Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил 6 февраль ШАНБА № 12 (12856)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**Шу йил 4 февраль куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад – сизлар билан кўришиб, ҳол-аҳволингиздан хабардор бўлиш, ўз ечимини кутиб турган муаммолар, қийинчиликлар ҳақида фикр алмашиш ва олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқлаб олишдан иборат. Энг муҳими, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало, бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масаласини кўриб чиқсак, айни муддао бўлур эди, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Ҳаммамизга яхши маълум, Тошкент вилояти катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ва инсоний ресурсларга эга бўлган марказий вилоят сифатида Ўзбекистонимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб, кўпгина соҳа ва йўналишлар бўйича етакчи бўлиб келади.

Шу борада айрим мисолларни олиб келадиган бўлсак, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг тахминан 10 фоизи, ялпи ички маҳсулотимизнинг эса 9,7 фоизи айни шу вилоят ҳиссасига тўғри келишининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Бу заминда жойлашган Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, дунёга машҳур "Женерал моторс" компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари республикамиз иқтисодиётининг локомотивлари, десак, адашмаган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу корхоналар юртимиз бойлигига бойлик қўшаётган, нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида кўзга кўринган ишлаб чиқариш мажмуалари ҳисобланади.

Айни вақтда Тошкент воҳасининг энг катта бойлиги – бу, аввалламбор, кўпни кўрган, ўзининг меҳнати, интеллектуал салоҳияти, билим ва тажрибаси билан ўз юртини обод этиб келаётган ишчи ва муҳандислар, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, азму шижоатли ёшларимиз, бир сўз билан айтганда, вилоятнинг кўп миллатли, меҳнаткаш ва бағрикенг халқидир, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз юртига меҳр ва садоқат билан яшаётган бу элнинг муносиб фарзандлари, уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз, жамиятимиз томонидан юксак баҳоланиб келинаётгани сизларга яхши аён, албатта. Фақат кейинги уч йилда Тошкент вилояти бўйича 100 нафарга яқин ана шундай инсонлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланганини мисолида бунинг яққол далилини кўриш мумкин.

Барчамизга маълумки, Тошкент вилояти – оддий вилоят эмас, у, аввалламбор, пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мавқени эгаллаб келади. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, бу замин катта имконият ва ресурсларга бой эканини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юқори ўринга кўтариш, бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртага ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифамиз бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент вилоятида ҳали-бери ечилмаган кўпгина муаммолар, қанча-қанча муҳим вазифалар олдимизда тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деди Ислом Каримов.

Бу воҳадаги ер ости ва ер усти бойликларидан тўла ва оқилона фойдаланиш, уларни аввало шу гўзал, бетакрор заминда яшаётган одамлар, бутун халқимиз манфаатлари йўлида ишлатиб, фаолиятимизни бугун замон талаб қилаётган даражада ташкил қилиш, вилоятнинг узоқ ва давомли режаларини амалга ошириш учун бу йўлда учрайдиган турли қийинчиликларни олдиндан кўриб, уларни бартараф этишга тайёр бўлишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, нафақат бугунги, балки эртанги кун ҳақида бош қотириш, халқимизни, жамоатчиликни айни шу мақсадларга сафарбар этиш барчамизнинг, биринчи навбатда, ўзини раҳбар деган, одамлар унга ишонч билдирган шахсларнинг асосий бурчи, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикрга қўшиласиз, деди Президентимиз.

Сизларга яхши маълум, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда ўтган йилда эришган натижаларимиз атрофлича муҳокама қилиниб, жорий йил ва истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларимиз аниқлаб олинди. Хусусан, 2030 йилгача мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириб, унинг таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказишни биз ўзимиз учун стратегик вазифа сифатида белгилаб олдик, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бундай улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни амалга ошириш ҳақида сўз юритар эканмиз, шу борада ҳаётимизни ҳар томонлама янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган дастурларни жорий этиш учун қай даражада етарли замин яратганимиз, жумладан, 2015 йилда Тошкент вилоятида эришган марраларимиз ҳақида тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади.

Бу ҳақда сўз борар экан, аввало, ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаси 13 фоиздан зиёд ўсгани, экспорт бўйича прогноз кўрсаткичи бажарилганини таъкидлаш лозим.

Тошкент вилоятининг саноат соҳасидаги салоҳиятини изчил ривожлантириш дастурига асосан, кейинги уч йилда 1 минг 50 та лойиҳа амалга оширилди. Шу аснода 2 триллион 700 миллиард сўм ва 532 миллион доллар миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 30 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани биз учун айниқса муҳимдир. Шулар қаторида Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт энергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, табиий газни икки баробар кам сарфлайдиган буғ-газ қурилмаси барпо этилганини қайд этиш зарур.

Бу ишларимизнинг давоми сифатида ҳозирги вақтда тоғ-кон саноати, кимё ва нефть-кимё саноатида қиймати 2 миллиард 558 миллион долларлик 26 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги "Аммофос-Максам" корхонасида минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мақсадида умумий қиймати 136 миллион доллардан зиёд 3 та лойиҳани жорий йилда амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Тошкент вилоятида саноат соҳасида эришилган бундай катта ютуқ ва кўрсаткичлар, 2016 йил учун белгиланган режалар барчамизга мамнуният етказади, деди Президентимиз.

Мажлисда бугун замон қандай тез ўзгараётгани, илгари дуч келмаган турли-туман муаммо ва қийинчиликлар олдимизда пайдо бўлаётгани бутун мамлакатимиз қатори Тошкент вилоятида ҳам ишимизни янгича ташкил этиб, унинг самарасини тубдан оширишни, эскича ёндашувлардан, ўз умрини ўтаб бўлган иш усулларидан бутунлай воз кечишни талаб этаётгани алоҳида қайд этилиб, Тошкент вилоятида олиб борилаётган ишларга айни шундай танқидий кўз билан қараб, кўпгина йўналишларда ҳали-бери ечилмаган муаммолар, камчилик ва нуқсонлар борлиги ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Аввало, вилоятдаги мавжуд 14 та туманнинг 7 тасида маҳаллий бюджет харажатлари субвенция, яъни берилаётган молиявий ёрдам ҳисобидан қопланаётганига эътибор қаратилди. Кўпол бўлса ҳам айтишга мажбурмиз – бундай кайфиятлар тобора сурункали тус олиб, боқимандаликка айланиб бораётганига қачонгача чидаш мумкин, деб сўрашнинг вақти келмадими, деди Ислом Каримов.

Мисол учун, Бекобод туманида маҳаллий бюджет умумий харажатларининг 44,1 фоизи, Қуйи Чирчиқ туманида 43,2 фоизи, Оққўрғон туманида 42,2 фоизи, Бўка туманида 42,1 фоизи дотация ҳисобидан қопланаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Юқори Чирчиқ, Чиноз туманларида саноат ривожига, янги иш ўринларини яратиш масаласига бепарволик билан қаралаётгани ва бу туманларнинг вилоят саноатидаги улуши 1 фоиздан ҳам паст бўлиб қолаётганини изоҳлашнинг ўзи қийин, деди Юртбошимиз.

Шунингдек, вилоят ҳудудидаги 20 та йирик саноат корхонасида ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган, 2 та корхонада эса маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. Лекин маҳаллий раҳбарлар вазиятни ўнглаш ҳақида ўйлаётгани йўқ.

Қурилиш соҳасини оладиган бўлсак, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда, улар кўпинча белгиланган муддатда ўз эгаларига топширилмаяпти. Умуман айтганда, бу уйларни қураётган пудратчи ташкилотларнинг моддий-техник базаси, уларни техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш талабга мутлақо жавоб бермаслиги бундай нохуш ҳолатга сабаб бўлмоқда ва топширилаётган уйларнинг сифатига, одамларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сессияда иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи ҳақида сўз юритилар экан, бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши вилоят бўйича 56 фоиздан юқори экани ижобий натижа сифатида эътироф этилди. Бу мамлакатимиз миқёсидаги кўрсаткич билан деярли баробар бўлиб, меҳнат билан банд аҳолининг 76 фоиздан ортиғи ёки 980 минг киши шу соҳада ишлаб даромад топаётгани қайд этилди.

Бундай ижобий натижаларни тан олган ҳолда, бу ҳудудда кўпчилик вилоятларга тегишли бўлган бир камчилик тўғрисида айтмасдан ўтолмаймиз, деди Юртбошимиз. Яъни Тошкент вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, асосан, савдо-сотиқ ва қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори бўлиб қолмоқда. Саноат соҳасини оладиган бўлсак, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу тармоқдаги улуши 28,8 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, бу рақам мамлакатимиз миқёсида 38,9 фоизни ташкил этади.

Маълумки, бугунги кунда юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари, банк-молия хизматлари, туризм, қурилиш ва транспорт соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини кескин ошириш вазифаси қўйилган ва бу масалага Тошкент вилоятида алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Президентимиз ўз нутқида Тошкент вилоятининг азим пойтахтимиз Тошкент шаҳри билан ёнма-ён жойлашгани вилоятга катта имкониятлар бериши, айни вақтда алоҳида масъулият ҳам юклашига эътибор қаратди.

Шуни айтиш жоизки, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш учун Тошкент шаҳри улкан, ҳар томонлама қулай бозор ҳисобланади. Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, пойтахтимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасида вилоят меҳнаткашлари катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаш зарур.

Биргина ўтган 2015 йили вилоятда 2 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 400 минг тонна картошка, 200 минг тоннадан зиёд мева, қарийб 170 минг тонна узум етиштирилди. Ўз-ўзидан равшанки, бу рақамлар халқимизни озиқ-овқат билан таъминлашда, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашда Тошкент вилоятининг нақадар беқиёс ўрин тутаётганидан далолат беради.

Вилоятда сўнгги уч йилда 74 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 4 минг 500 гектар майдонда интенсив боғлар барпо этилди, деҳқончиликка янги техника ва технологиялар, серҳосил экин навлари изчил жорий этилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг деҳқон ва фермерларига, барча меҳнатчиларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, бу йил ҳам ҳосилингиз мўл бўлсин, омадингизни берсин, деб эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари.

Мажлисда бугунги кунда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга кўтариш, пахта майдонлари ҳажмини камайтириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, фермер хўжаликларини оптималлаштириш, қайта ишлаш соҳасидаги мавжуд резервларни ишга солиш муҳим вазифа бўлиб турганига урғу берилди.

Айни шу борада, умуман, ички ва ташқи бозоримизда талаб кучли бўлган маҳсулотларни юқори қўшимча қиймат билан ишлаб чиқаришда Тошкент вилоятининг ўрни ва роли, керак бўлса, масъулияти катта эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз, деди Юртбошимиз.

Ҳозирги кунда бу соҳада эътиборга молик ишлар қилинмоқда ва бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин. Масалан, Ангрен махсус индустриал зонасида халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган мис қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган 52 турдаги ана шу маҳсулотлар жаҳоннинг кўплаб давлатларига экспорт қилинаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бундан ташқари, бу ерда қиймати 214 миллион доллар бўлган, енгил автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун йилига 3 миллион 200 минг дона шина ва 100 минг погонометр конвейер лентаси ишлаб чиқариш бўйича яна бир йирик лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Бу лойиҳани амалга ошириш натижасида мамлакатимизга четдан олиб келинаётган 200 миллион долларлик маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш ва шу тариқа катта валюта маблағларини тежаш имконига эга бўламиз.

Сессияда бундай ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, кўпгина соҳа ва тармоқларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар қониқарли эмаслиги танқид қилинди. Бунинг тасдиғини вилоятда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг фақатгина 24 фоизи, гўштнинг 27 фоизи, сутнинг эса 20 фоизи қайта ишланаётгани мисолида кўриш мумкин.

Энг ачинарлиси, мева-сабзавот маҳсулотларининг 46 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 39 фоизи, сут маҳсулотларининг 18 фоизи **бирламчи қайта ишлаш даражасида сотилаётгани туфайли катта миқдорда қўшимча даромад олиш имкониятини бой бермоқдамиз,** деди Ислом Каримов. Ҳолбуки, яримфабрикат ҳолида сотиладиган мана шу маҳсулотларни қўшимча қайта ишлаш ҳисобидан оладиган **даромадларимизни 2-3 карра кўпайтириш имконияти мавжуд.**

Бунинг учун нима керак? Аввало, тараққий топган давлатлардан энг замонавий технологияларни олиб келиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, чиқараётган тайёр маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш керак. Буларнинг барчаси бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифаларимиз қаторидан ўрин олиши зарур.

Мажлисда бу масала бўйича қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Такрор айтишга тўғри келади: айни мана шундай катта имкониятларни ишга солиш, экспортни, валюта ҳажмини кўпайтириш, бунинг учун, биринчи навбатда, ташаббус ва яна бир бор ташаббус кўрсатишимиз, тадбиркорлик ва изланувчанлик билан яшашимиз шарт, деди Юртбошимиз. Бу масала, аввало, барча раҳбар ва мутасаддиларга дахлдор эканини яхши англаб олишимиз даркор.

Чиндан ҳам, бугунги кунда жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб, шафқатсиз тус олаётган бир пайтда фақат ғалла ва пахта ҳисобидан ривожланиб бўлмайди ва бундай калтабинлик билан, узоқни кўрмасдан яшашга бизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Фақат хом ашё ишлаб чиқариш ва уни бозорда сувтекин нархда бошқаларга сотиш билан юрадиган бўлсак, ўзгалар эса бу хом ашёни қайта ишлаш ҳисобидан унинг ёғини, қаймоғини оладиган бўлса, бундай йўл фақатгина мустамлакага айланган давлатларнинг қисмати бўлганини яхши биламиз.

Биз ҳам бир вақтлар шундай тақдирни бошимиздан кечирганимиз, фақат пахта хом ашёси етиштиришни, яъни энг оғир меҳнатни бизнинг бўйнимизга юклаб, пахтадан олинадиган тайёр маҳсулотнинг фойдасини эса бошқалар кўрганини эсингизга солишни ўринли, деб биламан, деди Ислом Каримов.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## С. С. АБДУЛЛАЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Содиқ Собитович Абдуллаев** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 4 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## А. Т. УСМОНОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Аҳмад Тугилович Усмонов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 4 февраль.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС



**Паркент тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 80 шифокор, 23 тор мутахассис, 278 ҳамшира ҳамда малакали лаборантлар 144 минг 900 аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. 2014 йил ташкил этилган марказда болалар ва катталар бўлими, лаборатория, стоматология, аёллар маслаҳат хонаси ҳамда сил касалликларига қарши кураш диспансери бўлимлари ишлаб турибди.**

Марказ хоналари ёруғ, замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

– "Саломатлик – 3" лойиҳаси бўйича марказимизга рақамли рентген аппарати, УЗД, ЭКГ ҳамда жарроҳлик асбоб-ускуналари ва бошқа керакли буюмлар олиб келинди, – дейди поликлиника бош шифокори Муқаддам Акбарова. – Бу беморларга аниқ ва сифатли ташхис қўйишга ёрдам бермоқда.

Поликлиника маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда оналар, болалар, ҳомиладорлар ва кексалар соғлиғидан мунтазам хабар олиб турибди.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «СУВНИНГ УВОЛИДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?»

Газетанинг 23 январдаги 8-сонида Оҳангарон тумани, Қорахитой қишлоғи, "Тут" маҳалласи, Чоштепа кўчасида сув қувури жўмрагидан шариллаб сув оқиб ётгани, яна икки жойда аҳвол шундай бўлиб, бу билан на мутасадди ташкилотлар, на маҳаллий аҳолининг иши бўлмаётгани, шу тариқа ичимлик суви исроф қилинаётган ҳолда Оқтепа-1 ва Оқтепа-2 кўчаларидаги хонадонларга ҳалигача сув етиб бормагани танқид қилинганди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан вилоят "Сувоқова" давлат унитар корхонасининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Р. Ҳокимбоев имзоси билан жавоб хати олди. Унда баён этилишича, танқидий мақола Оҳангарон "Сувоқова" филиали ходимлари иштирокида ўрганиб чиқилди. Бугунги кунда туман филиали "Тут" маҳалласида яшовчи 2800 аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида ЭЦВ 10-120-60 ҳамда ЭЦВ 8-25-40 русумли насослар ўрнатди.

Ҳозиргача ичимлик суви қувурлари тортилмаган Оқтепа-1 ва Оқтепа-2 кўчалари аҳолисини ҳам 2016-2017 йилларда сув билан тўлиқ таъминлаш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Оҳангарон "Сувоқова" корхонаси филиали аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жойлардаги носозликларни 10 кунлик муддат ичида бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Эски тузумдан қолган бундай оғир муаммоларни ҳал қилишнинг йўли битта: "олма пиш, оғзимга туш" деган қарашлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Буни замоннинг ўзи бугун бизга уқтиряпти. Содда қилиб айтганда, дунёқарашимизни, ишга, ҳаётга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонимизни дунёдаги ривожланган, эркин ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун барча имкониятларга эгамиз. Юртимиз қандай ранг-баранг бойликларга эга бўлса, бу – минерал хом ашёлар бўладими, табиий ресурслар бўладими, иқтисодий ва инсоний салоҳият бўладими – буларнинг ҳаммаси Тошкент вилоятида мужассам эканини яққол кўриш мумкин. Бу замин шундай бебаҳо бойликларга эгаки, баъзан ўзимиз ҳам бунинг қадрига етмай қолаяпмиз, десак, бу ҳам ҳақиқатдан узоқ гап эмас, деди Президентимиз.

Ўзингиз айтинг, энг унумдор ер, энг кўп сув манбалари қаерда? Шу ерда, Тошкент воҳасида эмасми? Бу вилоят ер майдонларининг балл бонитети энг юқори бўлган ҳудудларимиздан бири бўлиб, сув ресурсларининг етарли экани, шўрланган ерларнинг деярли йўқлигини кўриб, айтиш кераки, бошқалар бизларга ҳавас қилади, деди давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, логистика, замонавий коммуникация тармоқлари дейсизми, ҳаво транспорти, автомобиль ва темир йўл тизимлари дейсизми, инфратузилма объектлари дейсизми – буларнинг барчаси Тошкент вилоятида мавжуд.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ноёб имкониятлар ҳақида гапирганда, вилоятда энг катта бойлик, бизга берилган энг катта неъмат – бу заминнинг унумдор ери, десак, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламиз. Айнан шунинг учун ҳам барчамизни боқадиган ер билан тиллашиш, уни асраб-авайлаш, эъзозлаш, халқимиз ўртасида кенг тарқалган "Сен ерни боқсанг, ер сени боқади" деган ҳикматни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Минг афсуски, таҳлиллар шуни кўрсатмоқда – вилоятда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш режалари қўпол равишда бузилиб, 2 минг 500 гектар суғориладиган майдонларга бошқа экинлар экилган. Бундай ҳолатлар Бекобод, Янгийўл, Қибрай, Бўстонлиқ ва Чиноз туманларида мунтазам равишда такрорланиб келган.

Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имконият ва шароитларга қарамасдан, ўтган йили Тошкент вилоятида пахтачилик бўйича 97 та, ғаллачилик бўйича эса 149 та фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини бажармаган. Ишга ана шундай масъулиятсиз ёндашув туфайли Бўка ва Бекобод туманларининг ҳар бирида 1 миллиард 200 миллион сўм, Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ туманларида эса 500 миллион сўмдан зарар кўрилгани, айниқса, ачинарлидир.

Бу ниманинг исботи? Бундай мисоллар вилоятда ер майдонлари, афсуски, ҳанузгача ҳақиқий эгасини топмаганидан далолат беради.

Тошкент вилоятида аҳоли зич жойлашган бўлиб, янги иш ўринларига талаб юқори бўлса-да, пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида мингдан ортиқ фермер хўжалигига 100-120 гектарлаб ер ажратиб берилган. Шунинг учун бу масалада тартиб ва адолат ўрнатиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги вақтда фермер хўжаликларининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, 3 минг 146 та янги фермер хўжалиги ва 27 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Биз бугун иқтисодиёт соҳасида қўлга киритган ютуқлар билан бирга, кўзга яққол ташланаётган камчилик ва муаммоларга ҳам тўхталдик, деб фикрини давом эттирди Президентимиз. Айни вақтда ижтимоий тармоқлар бўйича ҳам – бу транспорт, коммунал ва маиший хизмат сифатини ошириш бўладими, тиббиёт соҳаси бўладими, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг кундалик эҳтиёж ва талабларини қондириш бўладими, уй-жой фондидан оқилона фойдаланиш бўладими – бундай мисолларни кўплаб олиб келиш мумкин.

Шулар қаторида бизда энг катта ташвиш ва хавотир уйғотадиган масала – бу вилоятда ишни бугун замон талаб қилаётган даражада ташкил қилишда, фаоллар ва жамоатчилик билан бамаслаҳат иш олиб боришда йўл қўйилаётган жиддий хато ва камчиликлар, энг ачинарлиси, айрим раҳбарлар томонидан ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ҳолатларидир.

Мен бир фикрни кўп марта айтганман ва уни бугун ҳам такрорлашга мажбурман: қаердаки раҳбарлар ўз зиммасидаги масъулиятни унутса, қаердаки ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, ўша ерда иш орқага кетади, бундан қанча-қанча одамлар зарар кўради, энг ёмони, **аҳолининг жойлардаги ҳокимият идораларига ишончи йўқолади,** деди Ислом Каримов.

Ҳар бир раҳбар – у қайси вазифада ишлаши, қайси бўғинни бошқаришидан қатъи назар, авваламбор, ўзининг манфаати билан эмас, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаши, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш ҳақида чуқурроқ ўйлаши, узоқроқни кўриши ва жамоатчиликни ўз ортидан эргаштириш учун уларнинг ишончини қозониши керак.

Бунинг учун раҳбар вилоятда мавжуд бўлган, ўзининг ечимини кутиб турган кўпгина муаммоларни, ўзи бошқараётган ҳудуд аҳолисининг ўзига хос ва ўзига мос дарду ташвишларини чуқур ўрганиши, уларни ҳал этиш учун **фаоллар ва жамоатчиликни, бутун аҳолини сафарбар этиб, уларни бошқариб, улар билан тил топишиб ишлаши зарур.**

Бу йўлда бутун борлиғини, бор билим ва тажрибасини ишга солиши, масъулиятни ўз зиммасига олиб, бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Айни шундай муносабатни, ишни айнан шундай ташкил этишни ҳудудга янги раҳбар этиб тайинланган шахсдан одамлар кутиши табиий, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикрга қўшиласиз, деди Президентимиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масаланинг асосий мақсад-мазмуни ҳам айни шу муаммога қаратилганини тушуниш қийин эмас, деб фикрини давом эттирди давлатимиз раҳбари. Яъни сўз Тошкент вилоятининг ҳокими бўлиб ишлаб келаётган А. Усмоновнинг фаолияти ва масъулияти ҳақида бормоқда.

Ҳаммангизга маълум, 2013 йилда барчамиз катта ишонч билдириб, Тошкент вилояти ҳокими вазифасига А. Усмоновни тасдиқлаган эдик.

Бу шахсни танлаш ва бу юксак лавозимга тайинлашда, авваламбор, унинг олдинги иш фаолияти, кўпгина масъулиятли вазифаларда хизмат қилгани, биринчи навбатда, Андижон вилоятида кўп йил биринчи раҳбар бўлиб ишлаган даврида – бу ҳам ҳақиқат – ушбу вилоятни ривожлантиришда, вилоят аҳлининг катта ютуқ ва марраларни қўлга киритишида анча тажриба орттириб, ўзи ҳам бунга ҳисса қўшгани инобатга олинган эди.

У Андижон вилоятида раҳбарлик қилган пайтда ишни ташкил қилишда – албатта, ҳар қайси ҳудуднинг ўзига яраша қийинчилик ва муаммолари бор – бу ерда кўпгина масалаларни ечиш учун замин туғдирилган эди. Қурилиш ва ободончилик соҳаси бўладими, қишлоқ хўжалигини бошқариш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўладими, Андижон вилояти мамлакатимизда кўзга кўринган ўринни эгаллагани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг негизида, аввало, мард ва матонатли Андижон халқининг меҳнати мужассам эканини ҳаммамиз яхши биламиз, деди Ислом Каримов.

Айтиш кераки, Тошкент вилоятида иш бошлагач, дастлабки пайтда А. Усмоновнинг фаолиятида вилоят олдида турган вазифаларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун бирмунча ҳаракатлар кўзга ташланди. Лекин, минг афсуски, ҳаёт шундай мураккаб бир ҳолатларни олдимизга қўяди. Яъни одамнинг, юқори лавозимга тавсия этилаётган шахсларнинг ички дунёсини, уларнинг асл инсоний фазилатларга эга бўлишини аниқлаш ўта оғир ва мураккаб вазифа, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай шахсларнинг иймони нақадар бутун, иродаси нечоғлиқ бақувватлиги асосан улар амалга ўтирганидан кейин билиниб қолишини, бундай синовда улар барибир ўзини йўқотиб қўйишини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб беради. Ва бундай шахсларнинг оёғи ердан узилиши, гердайиб кетиши шу даражага етиб борадики, улар учун гўё амал – лавозим ўзига умрбод мерос қилиб берилганидек бўлиб туюлади.

Мана, бугун бу аччиқ ҳақиқатнинг тасдиғини А. Усмонов мисолида кўриб турибмиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Вақт ўтиши билан бу инсоннинг ишга қараши ва одамларга муносабатида манманлик, ўзига бино қўйиш, ён-атрофдагилардан ўзини юқори тутиш, қўполлик, қўл остида ишлаётганларни менсимаслик, уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик каби ҳолатлар "иш услуби"га айланиб қолди. Энг ёмони, бундай муносабатлар биринчи раҳбар билан вилоят фаоллари ўртасида катта жардек тушунмовчилик пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзингиз айтинг, вилоят раҳбари томонидан ўзи билан бирга ишлайдиган етакчи ва мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, руҳини кўтариш ўрнига, уларнинг шахсига тегиш, кўнглини чўктириш ўзаро ҳурматга олиб келиши мумкинми, деди Юртбошимиз.

Шу борада бир ҳақиқатни яна бир бор айтишга тўғри келади: оддий одамларимиз, халқимиз ҳамма нарсани кузатиб туради, ён-атрофида юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиб, ҳар қандай раҳбарнинг ҳам ишига, албатта, ўз баҳосини бериши муқаррар. Агарки кимдир хомхаёлда юриб, бошқача фикрлайдиган бўлса, катта хатога йўл қўяди. Шундай ўйлайдиган одам вақти келганида чексиз надомат ва пушаймонликда қолиши турган гап.

А. Усмоновнинг иш фаолиятидаги номақбул хусусиятлар ҳақида, ўз масъулиятини ошириши зарурлиги ҳақида унга кўп бор айтилиб, суҳбатлар ўтказилган бўлса-да, лекин оёғи ердан узилиб қолгани учун бу гаплардан у тегишли хулоса чиқариб олмади ва бу, ўз навбатида, унинг вилоят фаоллари ва жамоатчилиги ўртасида обрў-эътиборини йўқотишига олиб келди.

Табиийки, бундай ҳолат вилоятда ишни ташкил қилишда жиддий хатоларга сабаб бўлди.

Сессияда А. Усмонов кадрларни танлаш ва лавозимга қўйишда ғаразли мақсад билан иш кўриб, асосан, ўзига шахсий садоқатда бўлган, лекин зарур билим ва тажрибага, маънавий фазилатларга эга бўлмаган шахсларни турли раҳбарлик вазифаларига тайинлагани, Тошкент вилоятининг ўзида юқори малакали кадрлар етарли бўлишига қарамасдан, баъзи бир лавозимларга ўзининг таниш-билишларини олиб келиш унинг одатига айланиб қолгани қайд этиб ўтилди.

Масалан, Тошкент вилояти ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи лавозимига А. Ҳамдамов, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи вазифасига Б. Қораев тайинланган. Шунингдек, у вилоят ҳокимлигининг ишлар бошқарувчиси вазифасига, капитал қурилиш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибият мудири лавозимига, ҳуқуқ-тартибот, сафарбарлик ва фавқулодда ҳолатлар бўйича тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи гуруҳ бошлиғи вазифасига, "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясининг бош муҳандиси лавозимига ўзига яқин одамларни ишга қўйган.

Ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган бу шахслар амалдаги қонунчиликни бузиб, мансабни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ турли жиноятларни содир этишган. Ўз вақтида кўрилган чоралар туфайли уларнинг айримлари (А. Темиров, А. Сатторов, О. Маҳмудов) жиноий жавобгарликка тортилган, айримлари (А. Эржигитов, А. Ҳамдамов, Б. Қораев, С. Самадов) ишдан бўшатилган.

А. Усмоновнинг яқин ҳамтовоқлари бўлган бир гуруҳ шахслар, жумладан, вилоят ҳокимининг ёрдамчиси А. Умаров, вилоят ҳокимлигининг собиқ ишлар бошқарувчиси М. Икромов, вилоят "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси бош муҳандиси Ш. Хўжамқулов, "Руббер траст шосс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Исмоилов порахўрликда айбланиб, уларга нисбатан прокуратура органлари томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Мажлисда А. Усмоновнинг бундай раҳбарлик "услуби" вилоятни бошқаришда кўпгина янги-янги муаммоларни туғдириб, вилоят олдида турган муҳим вазифаларнинг бажарилмай қолишига, энг ёмони, вилоят фаоллари ўртасида қарама-қаршилик, низо ва зиддиятлар пайдо бўлишига, муҳитнинг бузилишига олиб келгани таъкидланди.

Президентимиз раҳбарнинг бугунги кундаги ўрни ва масъулияти, раҳбарлик инсондан қандай фазилат ва хусусиятларни талаб қилиши ҳақида атрофлича тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни баён этди.

Қандай оғир бўлмасин, бу гапларни айтишдан мақсад шуки, сиз, ҳурматли депутатлар ва фаоллар билан ўртамизда ҳеч қандай сир бўлмаслиги, ҳақиқатни очиқ айтишимиз керак, деди Юртбошимиз. Нега деганда, энг катта куч – бу ҳақиқатдир. Ҳақиқатга суянган одам ҳеч қачон пушаймон бўлмайди.

Бугун биз раҳбарлик, етакчилик вазифаси нақадар масъулиятли эканига, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етмаслигига, бу иш инсондан, авваламбор, мустаҳкам ирода ва иймон-эътиқод талаб қилишига яна бир бор гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикримни такрорлашни зарур, деб биламан: раҳбарга лавозимни, обрўни эл-юрт беради, лекин унга ишониб топширилган лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқатдир, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. А. Усмонов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, Зангиота тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Содиқ Абдуллаев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Тошкент вилояти пойтахт вилоят сифатида доимо мамлакатимизнинг энг етакчи, салоҳияти улкан вилояти, таъбир жоиз бўлса, таянч тоғларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ишончим комил, ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш, мард ва олижаноб Тошкент воҳаси аҳли янги раҳбар атрофида жипслашиб, вилоят олдида турган катта вазифаларни ҳал этишда ҳар томонлама ўзини кўрсатади ва эзгу мақсадларига, албатта, етади, деди Президентимиз ўз нутқининг якунида.

Сессияда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Паркент тумани бўлими раиси Ориф Пиримов, Бўка туманидаги "Ёқутхон-Саид" фермер хўжалиги раҳбари Саидислом Сайдуллаев, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси, бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов, Зангиота туманидаги "Назарбек" қишлоқ врачлик пункти мудираси Мақсуда Варисова ва бошқалар Президентимизнинг нутқида Тошкент вилоятида кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқ ва натижалар билан бирга, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишни замон талаблари асосида ташкил этиш, мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш борасида йўл қўйилган жиддий камчилик ва муаммолар ҳар томонлама таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш йўллари, вилоят аҳли олдида турган долзарб вазифалар аниқ кўрсатиб берилгани, ана шу танқидий фикрлар, амалий кўрсатмалар асосида ишни ташкил этиб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиш ва кўзланган марраларга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қонун ҳимоясида

## ЗАРАР ТЎЛИҚ ҚОПЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 сентябрдаги "2016 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларини жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси вилоят прокуратураси органлари томонидан назоратга олинган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг "Ягона интерактив давлат хизматлари портали"га шу борада қилаётган мурожаатлари атрофлича ўрганилиб, жамоатчилик хизматидан кенг фойдаланилмоқда.**

Хусусан, "Усмон ота" фермер хўжалиги раҳбари Х. Нурмуҳаммедовнинг "Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий-тажриба станцияси" ходимлари томонидан сифатсиз бошоқли дон экилаётганидан норози бўлиб "Ягона интерактив давлат хизматлари портали"га қилган мурожаати вилоят прокуратурасида кўриб чиқилди.

Аниқланишича, 2015 йил 30 сентябрда "Тошкентдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти билан "Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий-тажриба станцияси" ўртасида 81 гектар майдонга 2016 йил ҳосили учун бошоқли дон экиш юзасидан контрактация шартномаси тузилди. Текширувда, станция ходимлари томонидан Оққўрғон туманида 2016 йил ҳосили учун бошоқли дон экишга ажратилган ер майдонидан 15 гектарига сифатсиз ғалла экилиши оқибатида 1.672.750 сўмлик зарар етказилгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан 2015 йил 23 октябрда "Тошкент шоли, дон ва дуккакли экинлар илмий-тажриба станцияси" раҳбари А. Абдуллаевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, етказилган 1.672.750 сўм зарар тўлиқ ундирилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Президент ва ҳукумат қарорлари ижроси қатъий назоратда бўлиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан қатъий чоралар кўриб борилмоқда.

**Шерали ҚЎЧҚОРОВ,**
**вилоят прокуратураси 11-бўлими катта прокурори.**

Ўқув-семинар

## МАСЛАҲАТЧИ МАСЪУЛИЯТИ

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши 2 февралдан 3 мартга қадар республикада маҳалла маслаҳатчилари учун ўқув-семинарлари ўтказишни режалаштирган.**






Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент Ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши билан ҳамкорликдаги дастлабки намунали семинар Янгийўл туманида бўлиб ўтди. Унда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, тумандаги 76 та маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, фонднинг вилоятдаги шаҳар ва туман бўлимлари бош мутахассислари иштирок этишди.

Семинарни вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева олиб борди.

Бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари маҳаллаларда таркиб топган миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳалланинг ролини кучайтириш, фаолият йўналишларига оид ҳужжатлар ижросини таъминлашда кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

– Ўтган йили вилоятимиздаги 991 та фуқаролар йиғинларида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида 20832 та тарғибот тадбирлари ташкил этилди, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Зулхумор Жўраева. – Таълим муассасаларида оилавий мавзуларда 3495, ёш оилалар ўртасида 7302, эрта никоҳнинг оқибатлари тўғрисида 8970 та суҳбат, учрашув ва тадбирлар ўтказилди.

Маслаҳатчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳамда аҳоли, биринчи навбатда ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишни янада кучайтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашдаги фаоллигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган семинарда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маслаҳатчиларнинг ўрни ва роли, маслаҳатчилар ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига ёт ва бузғунчи ғоялар тарқалишининг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялаш каби мавзулар бўйича атрофлича фикр юритилди.

– Бугунги семинарда берилган тавсиялар келгуси фаолиятимда асқотиши шубҳасиз, – дейди Янгийўл туманидаги "Ватан" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Мавжуда Шамшарова. – Шунга ҳам амин бўлдимки, янада кўпроқ ўқиб-ўрганиб, ишимизда фойдаланишимиз керак экан.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоиз, бу каби семинарлар режа асосида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ҳам бўлиб ўтади.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

## ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Бободеҳқонларимизнинг кўп йиллик кузатувларидан маълумки, маймун мучали йилида нафақат қиш илиқ ўтади, балки баҳорда ёғингарчилик кўп бўлади. Бундай об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандалари беталафот қишлаб, кучли намгарчилик таъсирида эркин ривожланиши ва кўпайишига замин яратади. Бу эса, ўз навбатида, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳаси мутасаддилари зиммасидаги масъулиятни оширади.**

Ўрта Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида қишлоқ хўжалиги экинларини бегона ўт, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида кўргазмали ўқув-семинари бўлиб ўтди.



Вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, вилоят ҳокимлиги, Тошкент Давлат аграр университети вакиллари, вилоятдаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари раҳбарлари, биолаборатория мудирлари, агроном-энтомологлар, намунали дала назоратчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

"Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибалар", "Биологик усулда ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш, биомаҳсулотларни лабораторияда кўпайтиришнинг истиқболли йўналишлари", "Ғўза, ғалла, боғ, ток, сабзавот ва полиз экинларига зарар келтирувчи зараркунанда ҳашаротларнинг биоэкологияси ҳамда уларга қарши кураш чоралари" мавзуларидаги маърузалар тингланган мулоқотда ўсимликлар дунёси, уларни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган изланишлар, илғор тажрибаларни амалиётда самарали қўллаш тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Шунингдек, ушбу йўналишда 2015 йилда бажарилган ишлар, йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар муҳокама қилиниб, 2016 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Семинар якунида бир гуруҳ фаол соҳа вакилларига фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

**Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида тўрт йўналишда тўққизта мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.**

## ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўқувчилар пухта билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун коллеж олий таълим муассасалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган. Чунончи, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши бўйича Тошкент ирригация ва мелиорация, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича Тошкент автомобиль йўллари институтлари, умумий таълим фанлари бўйича Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика ҳамда бухгалтерия ва аудит йўналиши бўйича Тошкент Давлат иқтисодиёт университетлари билан ҳамкорликда мунтазам учрашув, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирларнинг навбатдагиси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус таълим маркази, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда коллеж ҳамкорлигида ташкил этилди.

Интерфаол таълим усуллари бўйича тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган мулоқотда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус таълим маркази вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

"Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти" мавзуидаги илмий-амалий семинарда ҳозиргача давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, бундай шароитда юксак малакали мутахассислар тайёрланиши ва бунда таълим самарадорлигини ошириш зарурлиги ҳамда мамлакатимиздаги иқтисодий барқарорлик тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

Семинар якунида инновацион педагогик технологияларни қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Аваз ИСРОИЛОВ.**

Қарор ва ижро

**Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги Қонунида автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи ва уларни бошқарувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Ушбу Қонун ижроси, хусусан, автотранспорт воситаларида хавфли юкларни ташишни ташкил этиш талабларига янада ойдинлик киритиш, шунингдек, жараён иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини тартибга солиш, хулоса қилиб айтганда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги махсус қарори қабул қилиниб, ўша йили 1 апрелдан кучга киритилди.**

# ХАВФЛИ ЮКНИ ТАШИШГА РУХСАТНОМАНГИЗ БОРМИ?

Ушбу қарорда автотранспорт воситаларида ташишга рухсат берилган хавфли юклар рўйхати келтирилиб, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига ўзларига қарашли ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хавфли юкларни автотранспорт воситаларида ташиш талаб-қоидаларига оғишмай риоя қилишларига доир зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилган.

Бироқ, кейинги пайтлардаги текширишлар жараёнида кузатилмоқдаки, айрим юридик ва жисмоний шахслар автотранспорт воситаларида хавфли юкларни ташишда "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори талабларини бузмоқдалар. Жумладан, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги вилоят ҳудудий бўлими, Транспорт департаменти, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, "Ўздавнефтгазинспекция", шунингдек, маҳаллий давлат солиқ инспекциялари ходимлари иштирокида Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон, Чиноз ва Янгийўл туманларида ўтказилган текширишлар жараёнида хавфли юкларни автотранспорт воситаларида ташишда Вазирлар Маҳкамаси қарори талаблари бузилаётгани аниқланди.

"Кучлик нефть базаси" унитар корхонасига тегишли бешта машина тўхтатилиб, текширилганда, ГАЗ 5204 русумли, давлат рақами 10 680 FAA ва шундай русумли 10 683 FAA юк машиналарида "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекциясидан тегишли хулоса олинмай, яъни меъёрий ҳужжатларсиз хавфли юк ташилаётгани аниқланди. ЗИЛ 131 русумли 10 803 GAA, ГАЗ-53 русумли 10 679 FAA, ЗИЛ русумли 10 013 АВН давлат рақамли машиналарда эса, меъёрий ҳужжатлар тўлиқ бўлмагани ҳолда хавфли юк ташилаётгани маълум бўлди. Уларга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Оҳангарон туманидаги аҳвол ўрганилганда, юқоридаги Қонун ва қарор талаблари янада қўпол тарзда бузилаётгани кузатилди. Чунончи, "NANO LEAZING" МЧЖга тегишли MAN русумли 01 053 ZCA, "Ангреншаҳаргаз филиали" МЧЖга тегишли ЗИЛ 131 русумли 10 268 FAA, "ANDIJON YORBOSHI GAZ" МЧЖга қарашли MAN русумли 40 459 КАА давлат рақамли юк машиналари тегишли меъёрий ҳужжатларсиз, яъни рухсатномасиз хавфли юкларни ташиётгани аниқланиб, маъмурий баённомалар тузилди.

Шунингдек, "2-автобус саройи" АЖнинг ЗИЛ 431410 русумли, "7-автокорхона"нинг МАЗ 5337 русумли ва "4-автобус саройи"нинг КамАЗ русумли машиналари гувоҳноманинг муддати ўтган бўлса-да, хавфли юк ташиётган экан.

Афсуски, текширувлар давомида аниқланаётган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, хавфли юкларни ташувчи корхона, ташкилот ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори талабларига лозим даражада риоя қилмаяптилар. Шу боис тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида текширув тадбирлари ҳамда қоидабузарликларга қарши чоралар кўришни кучайтиришлари зарур.



**Жамол САЛИМОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" вилоят ҳудудий бўлими бош технологи.**

Тадбир

# ЁШЛАР ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ

**Тошкент Давлат аграр университетида "Мунозара" мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**



"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва университет маъмурияти ташаббуси билан ёшларнинг дунёқараши, фикрлаш доирасини кенгайтириш, маънавий баркамол шахс бўлиб етишишлари ҳамда жамиятда ўз ўринларини топишларига, билимга чанқоқ, иқтидорли, интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ақл заковатларини намоён этишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган тадбирда университетнинг саккиз жамоаси ғолиблик учун беллашди.

– Бу каби тадбирлар ёшларни миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, дўстлик, тинчлик ва бирдамликка чорлайди, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ахборот хизмати ходими Адҳам Аҳмедов. – Уларни ўзаро тажриба алмашиш ва "Устоз-шогирд" анъаналари асосида ишлашлари, фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштиришга хизмат қилади.

Мунозара якунида агрономия факультети талабалари биринчиликни, иккинчи ва учинчи ўринларни эса ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимliklар ҳамда қишлоқ хўжалик менежменти факультетлари талабалари қўлга киритишди. Шунингдек, "Энг яхши спикер" номинацияси бўйича ҳам ғолиб аниқланиб, диплом ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

Сўраган эдингиз...

# ДИВЕРСИФИКАЦИЯ НИМА?

**XXI асрга ахборот коммуникация асри дея таъриф берилаётгани бежиз эмас. Буни сўнгги йилларда луғат бойлигимиз турли янги атамалар билан бойиётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Кундалик ҳаётда модернизация, инновация, инвестиция, коммуникация каби сўзларни кўп ишлатамиз ва бу ҳамма учун бирдек тушунарли. Диверсификация сўзи қандай маънони англатиши ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

**Насиба ҲАЛИМОВА, уй бекаси.**

**Саволга ТДЮУ ўқитувчиси Зарина Исроилова жавоб беради:**

– Диверсификация – лотин тилидаги diversificatio сўзидан олинган бўлиб, хилмахил қилиш деган маънони англатади. Шунингдек, диверсификация капитал қўйилмаларни ҳар хил молия инструментларига (активларга) бўлиб амалга оширишдир. Иқтисодда эса, бу сўз ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кўпайтириш, хилмахиллигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг янги кўринишларини ўзлаштириш маъносида ҳам қўлланилади. Диверсификациядан кўзланган асосий мақсад эса ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодий фойда кўриш, инқироз хавфининг олдини олишдир.

## ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

"Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ишлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари порталида интерактив хизматларни жорий этиш ҳолатлари тўғрисида"ги баённомага асосан Тошкент вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг жойлардаги қуйи тизимларида "E-Ijro.uz." ҳимояланган интернет сайти очилганини маълум қиламиз.

Унда вилоят ҳудудидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолияти давомида ёнғин хавфсизлиги бўйича мавжуд муаммоларнинг қонуний ечимини таъминлаш кўзда тутилган.

**Тошкент вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.**


ЭЪЛОНЛАР

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"га асосан қуйидаги таълим мауассасанинг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғончаси, 19-уй |
| 2. | Бекобод тиббиёт коллежи | Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, F.Ғулом кўчаси, 2-уй |

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, КҲҚнинг таълим йўналишларида камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, КҲҚнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига ТАНЛОВ эълон қилади:

**Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:**

1. Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;
2. Зангиота ижтимоий-иқтисодиёт коллежи;
3. Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежи.

**Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:**

1. Паркент ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи;
2. Ўрта Чирчиқ миллий ҳунармандчилик, дизайн ва сервис касб-ҳунар коллежи.

**Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:**

1. Бўстонлиқ ўрмон хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи.
2. Ангрен кимё саноати касб-ҳунар коллежи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига **КАЙТА ТАНЛОВ** эълон қилади:

**Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:**

1. Тошкент техника университети қошидаги Янгийўл академик лицейи.

**Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:**

1. Ўрта Чирчиқ ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежи.

**Директор ўринбосари лавозимига танловида иштирок этувчи номзодлар:**

а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, КҲҚнинг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас;

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига КҲҚнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

**Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартиришларсиз ўз қўли билан тўлдирилиши керак);
3. Таржимаи ҳол (қўл ёзма);
4. Маълумотнома (справка-объективка);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектори томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассаса томонидан дипломининг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳри билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли;
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийлиги ҳақида тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3x4);
13. ИНН, пенсия жамғариб бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефон: 150-40-37.

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 23 февраль куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги хатланган мол-мулклар қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 24.03.2014й. куни 1-12/14-сонли ижро варақа: 1. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/126NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/154NBA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 3. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/145MAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 4. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/802OAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 180 500 сўм. 5. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01/010TAA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 79 942 500 сўм. 6. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/075ZAA бўлган "Audi S5 Coupe 4.2" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 263 787 678 сўм. 7. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01/763TAA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 727 500 сўм. 8. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/B432HA бўлган "Audi A8L Quatro" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 211 612 500 сўм. 9. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/N557JA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 134 400 сўм. 10. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/470NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 168 950 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/438NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 381 154 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/544NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 382 000 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/439NBA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 382 000 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/856LAA бўлган "Hyundai H-100" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 787 000 сўм. 15. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/906DAA бўлган "Лада11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 750 500 сўм. 16. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01/905DAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 176 600 сўм. 17. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/275EAA бўлган "АГБСНГГАЗ330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 620 000 сўм. 18. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/920DAA бўлган "Ваз11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 280 250 сўм. 19. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/921DAA бўлган "Лада11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 750 500 сўм. 20. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01/913DAA бўлган "Ваз21041-182-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 775 450 сўм. 21. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01/922DAA бўлган "Лада11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 339 750 сўм. 22. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01/908DAA бўлган "Лада11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 810 000 сўм. 23. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01/911DAA бўлган "Ваз21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 810 000 сўм. 24. 1956 йилда и/ч дав. бел. 01/056TAA бўлган "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 953 288 сўм. 25. 1969 йилда и/ч дав. бел. 01/069TAA бўлган "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 7 935 970 сўм. 26. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01/061WBA бўлган "Isuzu NQR 71 PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 75 240 000 сўм. 27. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01/041MAA бўлган "Гономак" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 129 028 сўм. 28. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01/043MAA бўлган "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 381 121 сўм. II. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан: 1. 07.01.2014й. куни 613/12-сонли ижро варақа, "Феруза Баракат Сервис" МЧЖда сақланаётган 2008 йилда и/ч дав. бел. 10/A532GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 183 784 сўм. 2. 15.08.2011й. куни 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақа, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19/A351 бўлган "SK 24" ярим трикама. Бошланғич нархи 19 754 222 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан, Сергели туман СИБ ҳудудида сақланаётган: 1. 20.06.2014й. куни 10-1410/7037-сонли ижро варақа, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01/209BBA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 10 474 692 сўм. 2. 20.06.2014й. куни 10-1410/7618-сонли ижро варақа, 2009 йилда и/ч дав. бел. 10/M000147 бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 026000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, ИНН 302159464.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 2 ноябрдаги 4-мб-сон қарори (Адлия вазирлигида рўйхат рақами 2718-сон, 2015 йил 13 ноябрь) билан тасдиқланган иловаларига мувофиқ қуйидаги давлат статистика ҳисобот шаклларини:

- 2-invest qurilish shakli, 3-qurilish shakli (2 йилда бир марта), 1-xizmat shakli, 2-xizmat shakli, 1-kom shakli, 2-kom shakli, 3-kom shakli, 4-kom shakli, 5-kom shakli, 8-kom shakli, 1-transport shakli, 2-AKT shakli йиллик давлат статистика ҳисоботларини 2016 йил 15 февралдан;
- 1-S shakli, 1-SQK, 2-yoqilg'i shakli, 1-elektr shakli,

2-moliya shakli, 1-notijorat shakli, 2-qurilish shakli, 3- invest shakli, 1-savdo shakli, 1-QX shakli, 1-FX shakli, 2-turizm shakli, 1-fan shakli, 1-innovatsiya shakli ва 1-KB shakliga ilova (TIF) йиллик давлат статистика ҳисоботларини 16 февралдан;

- 1-lizing shakli, 1-KB shakli, 1-KB shakliga ilova (QM), 1-tibbiyot shakli,

1-KB shakliga ilova (kom), 1-KB shakliga ilova (AKT), 1-KB shakliga ilova (QX), 1-KB shakliga ilova (eko), 1-KB shakliga ilova (tib) ва 1-KB shakliga ilova (tur) (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги кичик корхоналар ва микрофирмалардан ташқари) йиллик давлат статистика ҳисоботларини 25 февралдан кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишингиз юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Бошқармада ташкил қилинган (0-371) 230-86-57, 230-86-58 "Ишонч телефонлари" орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан:

Тошкент вилояти ЖИБ судининг 16.02.2015 йилдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, У.Носир кўчаси, 11-уй манзили бўйича жойлашган, умумий майдони 7018,970 кв.м, қурилиш майдони 1114,04 кв.м., ҳовли 5929,25 кв.м. бўлган "Нилуфар" маданий ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини (тўйхона) такроран савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 658 321 690 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 февраль куни соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Оҳангарон туман СИБ томонидан, ФИБ Оҳангарон туманлараро судининг 2015 йил 10 апрелдаги 1-1777-сонли ижро варақасига асосан, Оҳангарон шаҳар, 4-кичик ноҳия, 31-уй манзилида жойлашган нотураржой бино ва иншоотлари такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 23 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 19 февраль куни соат 16:00.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсаттан ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR-0001.

## "VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 11 март куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент шаҳар хўжалик судининг 24.08.2015 йилдаги 10-1521/14068-сонли ижро варақасига асосан Юқори Чирчиқ СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси – 406 500 000 сўм бўлган Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Бордонкўл ҚФЙ, Болта қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 671,41 кв.метр, ҳовли майдони 1868,03 кв.метр, жами участканинг майдони 2544,10 кв.метр, 7 та Литердан иборат бинолар ҳамда ёқилғи қўйишга мўлжалланган ускуналаридан иборат бўлган "АЁҚШ" қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати раками ва санасини кўрсаттан ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР



**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида ўзбек миллатининг улуғ сиймолари Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган "Мангуликка дахлдор шахслар" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.**

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари аъзолари, партия фаоллари, Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари, ўқувчи-ёшлар иштирок этган давра суҳбатида адабиётимизнинг икки улуғ сиймоси Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг боқий адабий мероси, улар яратган асарларнинг аҳамияти қайта-қайта таъкидланди.

– Халқимиз фахри ва ғурурига айланган Навоий ва Бобур асарларини ўрганиш, улар ижодидаги фалсафий қарашларни тушуниб етиш, нафақат таълим муассасаларида, балки оилада, жамоат ташкилотларида ҳам изчил олиб борилиши лозим, – деди республика "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раиси Амирқул Каримов. – Мақсадимиз ёшлар қалбида мумтоз адабиётимизни ўрганишга катта қизиқиш уйғотиш, уларни ота-боболар анъаналарига садоқатли, юксак билим ва салоҳият эгалари бўлиб камол топишларига йўналтиришдан иборатдир.

**Наргис ҲАСАНОВА.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

**Донишманднинг улуғлиги ҳар бир муаммо ва хавф-хатарни олдиндан кўра билиши ва унинг олдини олиш тадбирини ўйлашида, шоирнинг улуғлиги эса, ўз асарларида унинг моҳиятини халқ оммасига етказишидадир.**

# ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВЧИ САТРЛАР

Ҳам улуғ шоир, ҳам буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий бугунги глобаллашув даврини гўё олдиндан башорат қилгандек, огоҳ бўлишни бундан беш ярим аср илгари ўзининг тарихда абадул-абад қолажак "Хамса"сининг уч машҳур достонида уч шаҳзодага насиҳат тариқасида етказган эди. Бу улуғ шоир томонидан "Фарҳод ва Ширин"да Абулворис Шоҳғариб Баҳодирга, "Лайли ва Мажнун"да Султон Увайс Баҳодирга, "Садди Искандарий" достонида эса Музаффар Ҳусайн Мирзога мадҳия шаклида ёзиб қолдирилган.

Мадҳ этилган бу уч шаҳзода шоирнинг болалигидан дўсти, ўз замонаси подшоҳи Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари эди. Ҳазрат Навоий юқорида номлари зикр этилган достонларидаги насиҳатларни ўзи яшаган даврдаги темурийлар салтанати муаммоларидан келиб чиқиб, ҳукмдорларни, аниқроғи Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларини ҳушёрликка ундаш, кўзини очишга чорлаш, ҳис этилаётган хавф-хатар, зимдан бостириб келаётган сиёсий таназзул ҳақида олдиндан огоҳлантириш ва унинг олдини олишга даъватнома сифатида тушунмоғимиз лозим. Улуғ шоирнинг достонларида илм тарғиб этилиши бежиз эмас, чунки инсон камолга етишиш учун кўп ўқиб, ўрганиши керак. Зеро, илмли, зукко бўлса, давр муаммолари ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдини олиш учун огоҳ туришини таъкидлаб:

*Эрурсен шоҳ – агар*
*огоҳсен сен,*
*Агар огоҳсен сен –*
*шоҳсен сен,*

– дейди ва шаҳзодаларга, қолаверса, келажак авлодларга насиҳат қилади.

Муҳтарам Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида БМТ минбаридан ва бошқа нуфузли халқаро йиғилишларда бутун дунё ҳамжамияти ва халқларини огоҳликка даъват этиб, ақидапарастликни ниқоб қилиб олган ёвуз ниятли диний экстремизм ҳамда бошқа террорчи кучларга ва уларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаб турадиган наркобизнес ҳаракатларига, вайронкор мафкуравий таҳдидларнинг бутун оламга тарқалиб кетишига қарши ҳамжиҳат бўлиб курашишга чорлагани бежиз эмас. Буни дунёнинг турли нуқталарида бўлаётган хунрезликлар яққол кўрсатиб турибди.

Юртбошимиз раҳнамолигида давлатимиз олиб бораётган оқилона сиёсат натижасида элимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Меҳнаткаш халқимиз хотиржамликда бунёдкорлик ишлари билан машғул. Ватанимиз равнақ топиб, гуллаб-яшнамоқда. Оламнинг нуфузли ижтимоий тадқиқотчилари олиб борган сўровнома натижаларига асосан, Ўзбекистон тез ривожланаётган, иқтисодиёти барқарор ўсиб бораётган мамлакатлар қаторидан жой олиб, халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт кечираётганини бутун олам эътироф этмоқда. Буни ўзимиз ҳам кундалик ҳаётимизда ҳис этмоқдамиз. Лекин, шундай дориламон юртда яшаб, ношукрлик қилаётган баъзи ёшларимизнинг ёт ҳудудларда ёвуз кучлар қаторида бўлиши ҳаммамизни ташвишга солиб, бизни янада огоҳликка чорламоқда.

**Қорахон ЖЎРАЕВ,**
**фахрий ўқитувчи.**

Маданият

**Чиноз шаҳридаги 14-Болалар мусиқа ва санъат мактабида "Болаларнинг маънавий дунёси ва маданий савиясини ўстиришда миллий ва жаҳон мусиқасининг аҳамияти" мавзуида адабий-мусиқий тадбир бўлиб ўтди.**

# МУСИҚА – ЭЗГУЛИК ИФОДАСИ

Соғлом она ва бола йилига бағишланган ушбу тадбирни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашлари ҳамда "Чиноз ҳаёти" газетаси таҳририяти ҳамкорликда ташкил этди.

Тадбирга коллеж ва мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ёшлар етакчилари, ўқувчилар таклиф этилди.

– Инсоннинг камолотга эришувида мусиқа санъатининг ўрни беқиёс, – деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши раиси Шаҳбоз Низомиддинов. – Инсоният қадим-қадимдан сеҳрли мусиқа садоларига шайдо бўлган. Самарқанд шаҳри яқинидаги Мўминобод қишлоғида 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Бугунги кунда ҳам ёш авлод тарбиясида мусиқанинг таъсири кучли. Республика Президентининг 2008 йил 7 январдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши бўйича қурилган ушбу мактабнинг янги биносида яратилган шароитлар чинозлик ёшлар учун катта имкониятлар йўлини очди. Бу даргоҳда 500 дан ортиқ ўқувчилар мусиқа сирларини ўрганишмоқда.

Тадбирда, шунингдек, оммавий маданиятнинг ёшларга зарарли таъсири ҳақида фикрлар билдирилиб, уларни ўзбек миллий ва жаҳон мумтоз мусиқасига ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Адабий-мусиқий тадбир давомида санъат мактаби ўқувчилари иштирокида катта концерт дастури намойиш қилинди.

Шу йил январь ойида Сочи шаҳрида бўлиб ўтган VII халқаро мусиқа танлови ғолиблари Миршоҳид Миржамолий, Умиджон Собиров Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгашининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Чинозлик шоира Каримахон Йўлдошева иқтидорли ёш мусиқачиларга ўзининг китобларини совға қилди.

**Абдужалол РАҲИМОВ.**

# ЎҚИШ, УҚИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК

**Шу кунларда ўзбек адабиётининг асосчиси, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: "...миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткори", шеърият мулкининг султони Алишер Навоий меросини ўрганиш ҳафталиги ўтказилмоқда.**

Мустақиллик йилларида бобокалонимизнинг бой ижодий меросига муносабат тубдан ўзгаргани яхши маълум. Ҳар йили ўтказиладиган анжуман, илмий конференция, адабий-бадиий, маънавий-маърифий тадбирлар шу буюк ижод намуналарини ўрганиш, улардан ибрат олишга бағишланади.

Янгийўл тумани 64-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган "Навоийхонлик" кунлари шу маънода ўқитувчи ва ўқувчилар учун ўзликни англаш, аждодларимиз меросини чуқур ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳафталик давомида ўтказилган шоир ҳаёти ва ижодига доир иншолар, буклет, расм ва деворий газеталар танловлари, мушоиралар, "Энг яхши маънавият дарслари"да барча ўқувчилар фаол иштирок этишди.

– Халқимизнинг севимли шоири Мир Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиш нафақат ўқувчи, балки ўқитувчилар учун ҳам масъулиятдир, – дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Меҳрихон Абдурасулова. – Мен ҳар сафар Навоийга бағишланган дарсни бошлар эканман, муҳтарам Президентимизнинг: "Навоий асарларини ўқишнинг ўзи етарли эмас, Навоийни англаш керак, Навоий билан ҳамнафас бўлиб яшаш керак" деган сўзларини такрорлайман. Чунки, Навоийни англамай туриб, уни ўқувчиларга ўргатиш қийин...

Алишер Навоийга бағишланган худди шундай маънавий-маърифий тадбирлар Чирчиқ шаҳридаги 8-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Шоир ижодига доир очиқ дарслар, "Навоийни ўрганамиз – камолотга интиламиз", "Навоий ва ёшлар", "Навоийхонлик", "Алишер Навоий ижодида ёшлар маънавияти" мавзуларидаги учрашув, адабий-бадиий кеча ва мушоиралар ўқувчиларда катта таассурот қолдириб, улуғ инсоний фазилатларнинг шаклланишида муҳим омил бўлди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**






# БОҚИЙ МЕРОС

**Зангиота туманидаги 33-мактабда шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ўқувчи-ёшларга етказиш мақсадида "Боқий мерос" мавзуида адабий-мусиқий кеча ўтказилди.**

Навоийшунос ва Бобуршунос олимлар, шоиру санъаткорлар, устозу шогирдлар ҳамда ёшлар иштирокидаги адабий кечада ўқувчиларнинг адабий-мусиқий композицияси намойиш этилди.

– Навоий ва Бобурнинг ижоди ва ҳаёт йўли миллат тарбияси учун улкан билим хазинасидир, – деди мактаб раҳбари Зулфия Зокирова. – Бу икки буюк аждодимиз учун эл-юрт, Ватан ҳар нарсадан улуғ ва муқаддас бўлган. Биз ҳам уларнинг анъаналарига содиқ қолмоғимиз, боқий меросни келажак авлодларга етказмоғимиз лозим.

Тадбир сўнгида адабий кечада фаол қатнашган мактаб ўқувчиларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар берилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**

Кўргазма

# ЭКСПОЗИЦИЯДА ГРАФИКА САНЪАТИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон графика усталари – замонавий графика санъатининг ҳозирги кундаги етакчилари билан бирга уларнинг давомчилари бўлмиш ёш рассомлар асарлари кўргазмаси очилди.**

Турли даврларда яратилган графика санъатига оид ижод намуналарида китобларга ишланган расмлар, безаклар, мамлакатимиз табиати манзаралари, маданиятимиз арбоблари, оналар ва болалар портретлари, тарихга айланиб бораётган турар-жойлар, қадимий шаҳарларнинг мемориал ёдгорликлари, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари акс этган. Вернисаждан "Бўзсув канали", "Паркентлик халқ ҳофизлари", "Билдирсой", "Чимён яқинидаги қоялар", "Сўқоқ қўриқхонаси", "Сўқоқда туш вақти", "Сўқоқ. Оқшом", "Сўқоқ. Хаёл оғушида", "Сўқоқ. Чорраҳада" каби асарлар ўрин олган.

Намойишга қўйилган ижод намуналаридаги мавзулар ва уларнинг талқини, маҳорат даражаси турлича бўлиб, мухлисларни мулоҳазага чорлайди.

Кўргазма 22 февралгача давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Саломат бўлинг

# ТОЗА ҚЎЛЛАР – СОҒЛИК ГАРОВИ

**Болалар ўртасида гижжа ҳамда ўткир ичак инфекциялари, дезинтерия, сальмонеллёз, вирусли гепатит "А" ва бруцеллёз касалликлари учраб туради. Бу касалликлар одамга тупроқ, сув, сабзавот ва полиз экинлари ҳамда ҳайвонлар орқали юқади.**

Мулоқот орқали юқадиган гижжа касалликлари гижжа тухуми билан ифлосланган қўллар ва рўзғор буюмларидан ўтади.

Тупроқ, сув, сабзавот, кўкатлар орқали юқадиган гижжа касалликларига аскаридоз ва трихоцефалёз киради. Тениаринхоз ва эхинококк цисталари ҳайвонлар орқали юқади. Тениаринхоз касаллиги одамга, асосан, қора мол гўштидан ўтади. Шунинг учун ветеринария экспертизасидан ўтмаган гўштни сотиб олиш керак эмас. Касаллик чала пишган кабоб, қиймали овқатлардан ҳам юқиши мумкин.

Эхинококкни эса итлар, бўри, тулки ва чиябўрилар тарқатади. Касаллик санаб ўтилган ҳайвонлар билан мулоқот чоғида, улар зарарлаган кўкатлар ва сувлар орқали юқади. Эхинококк (циста) одамнинг турли органлари, жумладан, ўпка, жигар, талоқ, бош мия ва тўқималарини зарарлайди. Бу касаллик бемор одамдан соғлом одамга юқмайди.

Гельминтозлар - ифлос қўллар касаллиги деб ҳам юритилади. Касаллик болаларда иммунитетни пасайтиради ва бошқа хасталикларга чалиниш хавфини оширади.

Юқорида таъкидланган касалликлардан сақланиш учун қуйидаги оддий қоидаларга риоя қилиш керак: чорва моллари ва парранда чиқиндиларини аҳоли тураржойларидан ўз вақтида олиб кетиб, белгиланган жойга ташланишини таъминлаш; чорва моллари ва паррандаларни сақлашда санитария-гигиена ва ветеринария қоидаларига риоя қилиш; чорва моллари ва паррандаларни парваришлашга ёш болаларни жалб этмаслик; маиший чиқиндиларни алоҳида белгиланган жойларда тўплаш ва вақтида олиб кетилишига эришиш; энг муҳими, қўлларни доимо тоза тутиш.

**Азиза ИБРАГИМОВА, вилоят ДСЭНМ паразитология бўлими мудири.**
**Икром БОБОЕВ, Зангиота тумани ДСЭНМ паразитология бўлими мудири.**




### КЎЧА ДАЙДИСИ ЖИНОЯТЧИНИ ТУТИБ БЕРДИ

**Калифорниялик кўча дайдиси шафқатсизлиги ва чапдастлиги учун Ганнибал Лектер лақабини олган хавфли жиноятчи Ҳусейн Найерни тутишга ёрдам бергани учун 140 минг доллар мукофот оладиган бўлди.**



Маҳаллий газеталардан бирининг ёзишича, Ҳусейн Найер ва унинг хонадоши Жонатан Тиу Санта-Ане қамоқхонасидан 22 январь куни қочиб кетишга муваффақ бўлган эдилар. Улар хонадаги темир панжарани кесиб, ер ости йўли орқали турма ҳудудидан чиқиб кетишди. Қамоқхона ходимлари эса орадан 16 соат ўтгандан сўнггина воқеадан хабар топишди.

Уй-жойсиз 55 ёшли дайди Мэтью Хэй-Чапмен полиция ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган фотосуратлар ёрдамида қочоқларни таниб, улар тушган автофургоннинг рақамини кўриб олиб, полицияга хабар берди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар орадан бир кун ўтиб, жиноятчиларни қўлга олдилар.

Бир кечада бойиб кетган дайди мукофот сифатида олган пуллари ҳисобига бундан буёнги ҳаётини янгидан бошламоқчи эканини айтди.

### ФЛОРИДА ШТАТИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

**Американинг Флорида штати губернатори ҳудудда Зика вируси тарқала бошлагани муносабати билан фавқулодда ҳолат жорий этилишини маълум қилди.**

ТАСС агентлигининг хабарига қараганда, фавқулодда ҳолат тартиби Майами-Дейд, Ли, Хиллсборо ва Санта-Роса округларида амал қилади. Сабаби, ушбу ҳудудда яшовчи 9 киши Зика вирусини юқтириб олган экан. Тиббиёт ходимларининг айтишича, вирусни чет элларга чиққан фуқаролар юқтириб келишган. Врачлар бошқа штатларда ҳам 30 дан зиёд киши ушбу вирусни юқтирганини аниқладилар.

### КОСМОСДА КОН ОЧИШ ЛОЙИҲАСИ

**Люксембург мамлакати олимлари астероидларда камёб минерал ҳамда металл конларини топишга қаратилган ноёб лойиҳа ишлаб чиқдилар.**



Гап Ер шарида кам учрайдиган қазилма бойликларини космосда излаб топиш ва кон очишга қаратилган бутун бошли космик тармоқни барпо этиш ҳақида бораяпти. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Люксембургнинг АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларидаги шериклари ҳам иштирок этаётганини маълум қилди The Financial Times газетаси. Албатта, ноёб минерал ва металлар Ер шарига яқин, аниқроқ қилиб айтганда, Ер билан Марс ўртасида жойлашган астероидлардан қидирилади. Олимлардаги бор маълумотларга кўра, ушбу астероидлар платина, вольфрам, темир ва никелга бой бўлиши мумкин.

### САҒАНАДАН ҚАДИМИЙ ЧОЙ ТОПИЛДИ

**Британия тадқиқотчилари Хитой императорларидан бирининг 2100 йил илгариги сағанасидан қадимий чой қолдиқларини топишди.**

Маълум қилинишича, ушбу қадимий чой барги эрамиздан аввалги 188 ва 141-йиллар орасида яшаган Хан сулоласининг тўртинчи императори Лю Ци (шунингдек, Хан Цзин-ди номи билан машҳур бўлган) сағанасидан топилди.

"Бизнинг тадқиқот ишларимиз 2100 йил илгариёқ чой Хан сулоласи императорларининг севимли ичимлиги бўлганини тасдиқлади", дейишди олимлар. Шунингдек, улар ушбу топилмани 1800 йил илгари Тибетдаги Гурғьям монастридаги сағаналардан бирида топилган чой билан солиштирдилар. Аниқланишича, ўша даврларда чой Марказий Осиё ва Тибет тоғларига Хитойдан келтирилган. "Демак, Буюк Ипак йўлининг бир шахобчаси Ғарбий Тибетдан ўтган", деган хулосага келишди археологлар.

### ТЎРТ ЯРИМ МИНГ ЁШЛИ... КЕМА

**Чехиялик археологлар Мисрнинг Абу Сайр музофотида ёғочдан ясалган ўта қадимий кема қолдиқларини топишди.**



Мисрнинг қадимий ёдгорликлар ва маданий мероslар вазирлиги баёнотида айтилишича, ушбу кеманинг ёши камида 4500 йилга тенг. Кема фиръавнларнинг III ёки IV сулолалари ҳукмронлик қилган даврдаги юқори мансабли амалдорга тегишли сағананинг ёнидан топилди. Ўша амалдорни дафн этиш маросимида шу кемадан фойдаланилган бўлиши мумкин. Олимлар 18 метр узунликдаги қадимий кеманинг қатор қисмларини, шунингдек, уларни ўзаро боғлашда қўлланилган йўғон арқон қолдиқларини топишди. Миср вазирлигининг таъкидлашига кўра, археологларнинг ушбу топилмаси қадимий подшолик давридаги ҳаёт тўғрисида олимларнинг билим доираси янада кенгайишига хизмат қилади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5086. Адади 14062. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30.